



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 26 декабрь, чоршанба

№102 (11.387)

Эркин нархда сотилади

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов шу йил 27-28 декабрь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлади. Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорлини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб муаммолар муҳокама этилади.

Шу кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади. Унда кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммолари кўриб чиқилади.

Ислохотларни чуқурлаштириш йўлида

Тошкент вилояти Паркент туманида Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг кўча семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Т. Холтеев бошқарди.

Кенгашда Республика комиссиясининг вилоятларга бириктирилган аъзолари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тегишли бошқарма бошқилари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, айрим туманлар ҳудудий комиссиялари раислари, хўжалиқлар раҳбарлари, Тошкент вилояти туманлари ҳокимлари қатнашди. Семинарда республика қишлоқ хўжалиқ корхона-

ларида иқтисодий ислохотларнинг жорий йил якунлари ва Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиқ корхоналарида бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш, айрим вилоятларда тўпланган ижобий тажрибаларни оммалаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Семинар-кенгашда Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақуллов иштирок этди.

(ЎЗА).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов бошқарди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Бошқа ишга ўтганлиги билан вилоят ҳокимининг ўринбосари — вилоят

хотин-қизлар қўмитасининг раиси вазифаларидан озод қилинганлиги муносабати билан Сайёра Хўжаева қўмита аъзоларидан чиқарилди. Илгари «Ўзгасабзавотшарбатсаноат-холдинг» компанияси қишлоқ хўжалиқ бошқармасининг бошлиғи вазифа-

сида ишлаб келган Адиба Аҳмаджонова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раислигига сайланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Фуломова сўзга чиқди.

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

«Тошовул» ширкат хўжалиғи ҳар йили давлатга пахта сотиш шартнома режасини қўйишнинг туманида биринчилардан бўлиб бажаради. Масалан, бу йил режа 124 фоиз қилиб адо этилди. Гектаридан қарийб 33 центнердан хирмон кўтарилди. Туман шароитида бундай ҳосилдорликка эришишнинг ўзи бўлмайди.



«Ўзбекистон» тажриба хўжалиғининг ҳам туманда ўзига яраша ўрни бор. Қўйишнинг деярли тўртдан бир пахтасини шу хўжалиқ етиштириб беради. Жумладан, бу йил 8800 тоннага яқин сифатли хом ашё топшириб, туман пахтакорларининг ютуғига салмоқли ҳисса қўшди.

Бу икки хўжалиқнинг илгорлар сафида бориши

бежиз эмас. Уларда «Қиш — бекорчилик» деган гап тан олинмайди, аксинча «Иш қуролнинг саз бўлса, машаққатинг оз бўлур» нақлига амал қилинади. Пахта йиғим-терими якунланиши билан техникани таъмирлашга зўр берилади. Масалан, «Ўзбекистон»да 32та чопиқ трактори ва уларга осяладаган севалка, культиваторлар бутламаси,

плёнка остига чигит экадиган бта мослама, 244та борона, мола ва текислаш агрегатлари ҳозирданок кўклагми дала ишларига шай қилиб қўйилди.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон» тажриба хўжалиғи машина-трактор паркида тайёрлик чизигига қўйилган тракторлар; «Тошовул» хўжалиғи бош муҳандиси Собит Исоқов ва механизатор Молдир Ойбековлар иш устида.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

**Дам олиш кунини 2001 йил
29 декабрь шанбадан
31 декабрь душанбага қўчириш
тўғрисида**

Янги йил байрамини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш кунини 2001 йил 29 декабрь шанбадан 31 декабрь душанбага қўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2001 йил 24 декабрь.

Натижалар ва Режалар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари янги йил арафасида турли соҳалар мутасадди раҳбарларига 2001 йилда амалга оширилган ишлар ва келгуси йил режалари ҳақида саволлар билан мурожаат қилишди. Қуйида уларнинг жавобларини ўқийсиз.

Хикмат АБДУЛЛАЕВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш давлат дастурини амалга ошириш борасида якунланаётган йил муҳим босқич бўлди. Вилоят ихтисослашган шифохоналарини шакллантиришга қаратилган салмоқли кадам қўйилиб, эндокринология диспансери, тўғруқхона, юкумли касалликлар ва Хонободда 1-вилоят клиник шифохонаси ташкил этилди.

Жами 550 ўринли шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимлари очилганлиги шаҳар ва туманларимиз аҳолисини ниҳоятда мамнун қилди. Қйбрайда 90 ўринли туман шифохонаси, Бекобод шаҳрида ташхис маркази, қишлоқларимизда 15та врачлик пункти очилди.

Даволаш муассасаларига ҳуқуқий маком берилаётганлиги соғлиқни сақлаш ишини янги босқичга кўтараяпти. Бугун вилоятимизда 4та муассаса шундай макомга эга бўлди. Охангарон, Зангиота туманлари ва Чирчиқ шаҳрида бир қатор шифо масканлари хусусийлаштирилди.

Бу йил тиббиёт муассасалари аҳолига 302,4 миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатишди. Тадбиркорлар 14та хусусий тиббий фирма ташкил этишди. Соғлиқни сақлаш муассасалари янги автомашиналар, реанимобиллар олишди. Фақатгина Олмалик шаҳар ҳокимлигининг ўзи шифохоналарга 3та автотранспорт совға қилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 2002 йил яна ҳам самарали из қолдиради, деган умиддамиз.

Шухрат ОТАБОВЕВ,

вилоят товар ишлаб чиқарувчилар
ва тадбиркорлар палатаси раиси:

— Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақил мамлакатимизда, вилоятимизда ҳам иқтисодиётимизнинг келажакни белгилловчи бу йўналишга эътибор йил сайин ортиб бормоқда.

2001 йилнинг декабрида фақат палатамиз аъзолари бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 36 минг 885тага етди. Уларнинг 5507таси юридик макомга эга, 31 минг 382таси эса жисмоний шахслардир. Бу тузилмаларнинг йилнинг ўн ойи ичида ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажми эса 76,5 миллиард сўмликка етди. Бу вилоятимиз бўйича шу даврда тайёрланган жами ички ялпи маҳсулотнинг 24,2 фоизини ташкил этди.

2002 йили олдимизда турган вазифалар янада салмоқли. Хусусий тадбиркорлик истиқболлари порлоқ бўлиши, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айланиши учун ҳали кўп иш қилишимиз талаб этилади. Уларнинг ҳақиқий кўмакдоши, маслаҳатчиси, қўллаб-қувватловчиси сифатида фаолиятимизни янада кенгайтиришимиз лозим. Шу мақсадда, айниқса, чет эл инвестицияларини хусусий тадбиркорликка тўғривсиз жалб қилишимиз, улар учун улгуржи савдо дўконлари барпо этишимиз ва бошқа шу каби хизмат кўрсатувчи тармоқларни кенгайтиришимиз лозим.

БАРАКАЛИ ЙИЛ БЎЛДИ

Бекобод туманида илгор қаллакорлар, пахтакорлар, пиллакорлар, қўйинг-чи, барча мўл ҳосил яратувчиларнинг «Ҳосил байрами» шодиёналари бўлиб ўтди.

Эрталаб соат ўн бўлмаёқ марказий ўйингоҳ ташқарисидида майдонда ташкил этилган, дид билан безатилган савдо ярмаркаси байрам иштирокчилари билан гавжумлашиб кетди. Ҳаммаёқ дала ва болларда етиштирилган турли-туман анвойи ноз-неъматлар билан тўла. Бир томонда қатор дошқонларда лаззатли миллий таомлар тайёрланиб, тантана иштирокчиларини ўзига чорлайди.

Ўзбекистон миллий либослардаги савдо ходимлари, оппоқ халатли уста пазандаларнинг қўли-қўлига тегмайди. Авж пардаларда янраётган Ватанини, меҳнатни, дўстлик ва тинчликни, меҳру муҳаббатни, тотувлиқни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар, карнай-сурнай, ногораларнинг садолари қишларга кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Марказий ўйингоҳга қирладиган дарвоза пештоқига «Ҳосил байрамингиз муборак, бободоҳонлар!» алвон шиори осилган.

Икки томонда минглаб ўриндиқларни тўлдириб ўтирган туман ва шаҳарлик байрам иштирокчиларининг кайфияти аъло. Зеро, бу

йилги «Ҳосил байрами» нафақат Бекобод тумани меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалиғи ходимлари, балки, Бекобод шаҳар ишчиларининг ҳам байрамидир. Бошқача қилиб айтганда, шаҳарлик ишчи ва хизматчилар ҳам туман меҳнаткашларининг оғирини енгил қилишга, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди.

2001 йил Бекобод тумани меҳнаткашлари учун, айниқса, қишлоқ хўжалиғида муваффақиятли келди. Туман деҳқонлари 3100 қўти кўрт уругини парвартишди, унинг ҳар қутисидан 52 килограммдан ҳосил олдилар ва давлатга 147,7 тонна қумуш тола етказиб бердилар.

Фаллакорлар эса, 13396 гектар майдондан 42 минг 755 тонна дон ҳосили олишга эришдилар. Шуниси диққатга сазоворки, етиштирилган фалланинг 12 минг 740 тоннаси хўжалиқлар ихтиёрида қолдирилди. Шунингдек, сув танқислигига қарамай 3263 гектар майдондан 8847 тонна шили ҳосили етиштирилди. Давлатга шили сотиш режаси шараф билан уддаланди.

Туман пахтакорларининг бу йилги меҳнатлари айниқса,

Ҳосил байрами

тахсинга сазовор. Улар бутун тажриба ва маҳоратларини ишга солиб, мўл ҳосил тўпалаб эришдилар. Йиғим-теримнинг ушшоқлиқ билан ўтказилиши натижасида 16700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлатга 40608 тонна пахта сотилди ва йиллик режа шараф билан уддаланди. Фалабага Улуғбек номи, «Далварзин», «Ўзбекистон», Алишер Навоий номи, «Деҳқонбод» ва бошқа барча ширкат, жамоа ва фермер хўжалиқлари салмоқли улуш қўшдилар. Катта хирмонни юксалтиришда тумандаги барча корхона ва ташкилотлар ходимлари мактаблар ва ўқув юртларининг талабалари, шунингдек, Бекобод шаҳри меҳнаткашлари ҳам пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, уларга яқиндан кўмаклашдилар.

Ушбу рақамлар ўтган йилги кўрсаткичлар билан солиштирилса, бу йил Бекобод тумани деҳқонларининг ҳақиқатан ҳам фидокорона меҳнат қилганликлари кўзга ташланади.

Айни дамларда марказий ўйингоҳни тўлдириб ўтирган ҳар бир дала меҳнаткаши, саноат корхоналари ишчи-хизматчиларининг бу ютуқларда муносиб улушлари бор. Ушбу шодиёна дамларда улар ҳар қанча олқишланса, уларнинг шаънига ҳар қанча мактовлар айтилса эрийди.

Карнай-сурнайларнинг еру кўни ларзага солган садо-

(Давоми 2-бетда).

ОКРУГ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 27 январь кунига тайинланган референдумни ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2001 йил 15 декабрь кунини қабул қилинган қарори билан референдум ўтказувчи Тошкент вилоят округ комиссияси қуйидаги таркибда тузилди: Абдусаторова Роза Тожимуҳамедовна — вилоят ҳокимлиғи молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Абдушохидов Убайдулла Хикматович — «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари бош муҳаррири биринчи ўринбосари, Анорбоев Тохиржон Юнусович — вилоят Давлат кадастрлари бошқармаси бошлиғи, Жўраев Муротжон Абдикаримович — Вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи, Зокиров Абдурашид Абдусаторович — Вилоят санация ва банкотлик бошқармаси бошлиғи, Мелиев Рўзали Собирович — Вилоят тиббиёт ходимлари касабаси уюшмаси қўмитаси раиси, Муслимов Умар Воҳобович — Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Турдибоев Раъно — Тошкент Давлат аграр

университети кафедраси катта ўқитувчиси, Ходжаев Рўстам Азатович — Вилоят адлия бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи, Хомич Наталья Николаевна — Вилоят фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш архиви мудираси, Худойкулов Тожимамат Рўзमतович — Ўртачирчиқ тумани «Қорасув» ширкат хўжалиғи бошқаруви раиси.

18 декабрь кунини референдум ўтказувчи Тошкент вилояти округ комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда комиссиянинг раиси, раис ўринбосари ва котибини сайлаш, референдум ушшоқлиқлари ва референдум ўтказувчи участка комиссияларини тузишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш, комиссия аъзолари иштини ташкиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 15-уй, вилоят иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси биносидида жойлашган. Референдум билан боғлиқ масалалар юзасидан Комиссия аъзоларига 133-53-29, 136-78-10 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

Таҳлил ва сабоқ

ҚИШДА ЭРИНГАН ЁЗДА СУВГА ЁЛЧИМАЙДИ

ВИЛОЯТ қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси республика қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг шу йил 22 октябрдаги буйруғига мувофиқ мавжуд канал ва барча ариқ-зовурларни 2002 йилги сугориш мавсумига тахт қилиб қўйиш мақсадида кузги-қишқи ишлар режасини

тузиб, ижро учун ҳамма туманларга етказиб берган эди. Мана, ушбу тадбирларни амалга ошириш юзасидан белгиланган муддатнинг кўпи кетиб ози қолди. Афсуски, қилиниши лозим бўлган ишларнинг ҳали ярми ҳам бажариб улгурилгани йўқ.

(Давоми 3-бетда).

Вилоят ҳокимлигида

АМАЛИЙ
ТАДБИРЛАР
КЎРИЛСИН

Тошкент вилояти эпидемияга қарши кураш фавқуллоҳда комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари қатнашишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси А. Раҳимбердиев олиб борди.

Комиссия йиғилишида «Вилоятда грипп ва ўткир респиратор касалликларига қарши кураш тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Бу хусусда вилоят санитария ва эпидемиология назорати марказининг бош шифокори М.Улмасовнинг маърузаси тингланди.

Маълумки, вилоят ҳокимлиги шу йилнинг ноябридаёқ 2001-2002 йилларда грипп ва ўткир респиратор касалликларининг олдини олиш бўйича даволаш-профилактика ишлари ва қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаган эди. Унда барча тиббиёт масканлари, болалар муассасалари, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ва бошқа санат корхоналарида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамғури белгиланиб, ижро этиш таъминоти аниқлаб қўйилган.

Киш мавсумида грипп ва ўткир респиратор касалликларининг кучайиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, унинг олдини олиш борасида белгиланган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишда муайян изчиллик комиссия йиғилишида таъкидлаб ўтилди. Барча ташкилот ва муассасаларда киши мавсумида ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини бир маромда таъминлаш учун зарур тайёргарликлар қўриб қўйилмоқда. Аҳолининг маълум қисми грипп касаллигига қарши эмланди. Айни пайтда бу касалликлар кўплаб тарқалиб кетиши-

нинг олдини олиш юзасидан баҳариланган ишлар ҳали етарли эмас. Шу муносабат билан вилоят эпидемияга қарши кураш комиссияси йиғилишида жойларда шошилинч амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларга уларни зудлик билан бажариш юкланди. Муҳокама қилинган масала юзасидан комиссия йиғилиши қабул қилган қарорда, жумладан, шаҳар ва туман комиссияларига бевоқиф жойларда амалга оширилиши зарур бўлган масалаларни уч кун ичида қўриб чиқиш, тегишли чоралар қўришлари лозимлиги кўзда тутилди.

Йиғилишда маданият, мактаблар ва бошқа болалар муассасалари, савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарида эпидемияга қарши талабларга амал қилиниши, иситиш тармоқларининг меъёр даражасида ишлаши устидан назоратни кучайтириш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишлари самарадорлигини оширишда ташвиқот-тарғиботнинг аҳамияти катта. Шу муносабат билан барча жамоат жойларида, мактаблар, маданият муассасалари, корхона ва ташкилотларда, бевоқиф истиқомат жойларида суббатлар уюштирилиши, бу ишда вилоятдаги мавжуд иммавий ахборот воситаларида оқилана фойдаланилиши лозим.

Жўрабек МУРОДОВ.

ларидан кейин туман меҳнаткашларининг бу йилги эришилган ютуқлари ва «Ҳосил байрами» билан табриклаш учун туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутаты Ғофиров Бўрибоевга сўз берилди.

— Бугун биз бу ерга туманимиз аҳлининг катта меҳнат галабасини нишонлаш, ҳосил тўйини байрам қилиш учун йиғилганимиз. Ушбу қувончли кунда шуни мамнуният билан қайд этишимиз лозимки, йигирма биринчи асрнинг дастлабки йили туманимиз халқи, барча меҳнаткашлари учун гоятда баракали йил бўлди, — деди туман ҳокими.

«Ҳосил байрами»нинг бадиий қисмида иштирок этган барча санъат усталари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, жозибали рақсларини меҳнат илғорлари номини шарафлашга бағишладилар.

Биз «Ҳосил байрами» иштирокчилари (Давоми. Боши 1-бетда).

ПОЧТА хизмати мутахассисларининг ташаббуси, тажрибасига таянган ҳолда, чет эллардаги турдош хизмат корхоналарининг илғор амалиётини чуқур ўрганиш орқали тармоқнинг бир маромда ишлаши таъминланибгина қолмай, фаолиятни янада ривожлантириш ва янги хизмат турларини жорий этиш учун имкониятлар излаб топилмоқда.

«Тошкент почтаси»: ИЗЛАНГАНГА ИМКОН БОР

Вилоят мазкур шаҳар ва туманлари почта хизмати жамоалари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни қай даражада урдаётганларини «Тошкент почтаси» очик турдаги акциядорлик жамияти масолида кўриш мумкин. 2001 йилнинг ўтган тўққиз ойида қўрсатилган хизматдан 460 миллион сўм даромад олинди, еки режадаги кўрсаткич 109,4 фоиз бажарилди. Бу белгиланганига нисбатан 39,5 миллион сўмлик кўп хизмат кўрсатилди деган гапдир. Агар ўтган 2000 йилга солиштирилган бўлса, ўсиш суръати 127,3 фоиз таъминланганлиги маълум бўлади. Бунда тарифнинг ўзгартирилмагани муҳим аҳамиятга эга. Кўрсатилган хизмат, айниқса, унинг ноанъанавий турлари ҳажми анча ошди. Почта ходимларининг бевосита хонадонларга бориб, хизмат кўрсатишлари аҳолига маълум тушмоқда.

Вилоят бўйича почта хизматининг умумий ҳажмида хат жўнатмалари бор-йўғи 3 фоизни ташкил этсада, ўсиш суръати келажакага умид

уйғотди. Чунончи, хат ва почта картончалари бўйича 13,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиб, режа 131,3 фоиз бажарилди, еки ўтган йилга нисбатан 158,9 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, аҳоли йирик сўмдаги пулларни ҳам республиканинг истаган минтақасидаги қариндошлари ва яқин кишиларига ишонч билан жўнатмоқдалар.

Шундай давр бўлдики, юк жўнатмалари (посилкалар) бирдан кескин қайтаётди. Бироқ вилоятда унинг икки ярим баравар ўсиши таъминланди ва режа 132 фоиз бажарилди.

Пенсия пулларини эгаларига элтиб бериш асосий почта хизматларида бири ҳисобланади. Эеро, вилоят почтаси умумий даромадининг 48,6 фоизни шу хизмат тўғрисида тушади. Пенсияларни уйга олиб бориб бериш хизмати ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 120,5 фоизни ташкил этди.

Почта ходимлари, айниқса, газета-журналларга обуна мавсумини фаоллик билан ўтказмоқдалар. Вақтли нашрлар, газета ва журналларни қўздан ўтказиш ва етқа-

зиб бериш почта корхоналарига улар қийматининг 18 фоизи ҳисобида даромад келтиради. Шу боис бу йил ушбу даромадли тадбир уюшқоқлик билан ва анча самарали ўтқа-

зилди. Барча корхоналар, алоқа бўлимлари бу муҳим ишга сафарбар этилди. Почта ходимлари обуна талонлари билан хонадонларга, корхона, ташкилот ва муассасаларга боришиб, обуначилар учун қулайлик яратдилар ва улар сонининг кўпайишига эришдилар. Тўққиз ой давомида вақтли матбуотдан тушган даромад режадагига нисбатан 131,4 фоизни, ўтган йилдагига нисбатан эса 156,4 фоизни ташкил этди. Вақтли нашрларни чакана савдога чиқариш билан жиддий шугулланиб, 7 миллион сўмдан кўпроқ (режага нисбатан 116,6 фоиз) даромад олишга эришилди.

Аҳолидан коммунал хизмат учун, газ ва электр қувватидан фойдаланганлик учун, ДАН, нўсха олиш ва Интернет хизматлари учун, телефон учун абонентлик тўловларини қабул қилиш каби ноанъанавий хизмат турлари янги йўлга қўйилгани боис бу соҳадаги тушум почта кассаларига келиб тушаётган умумий маблагнинг 21 фоизидан ҳам ошиб кетди.

Вилоят почтачилари рентабеллигини ўтган

чилик қилаётган ширкатларда, Турди Халилов, Назира Боқиева, Абдурахим Мелибоевлар етакчилик қилаётган пудрат жамоаларида галлачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам юқори натижаларга эришилди.

Бугунги кунда кузги галламизнинг ривож яхшилигини, техника таъмири кузги-киши тадбирлар жадал суръатларда олиб борилаётганини, ариқ ва зовурлар тозаланиб, баҳорга тайёр қилиб қўйилганини ҳам таъкидлаб ўтгим келади.

Давронбой ЭРГАШЕВ,

машина-трактор парки оператори:

— Бу «Ҳосил байрами» менинг ҳаётимдаги энг аjoyиб, энг қадрлиси бўлиб қолса ажаб эмас. Бу йилги галла ўрими-йигими мавсумида туманимиздаги «Ғалаба», «Беко-

Ёшлар тарбиясига бағишланди

Миллий матбуот марказида Репродуктив саломатлик бўйича Ўзбекистон уюшмаси "тенгдош-тенгдош" тамойилидаги маълумот узатиш орқали ёшларни ахлоқий-жинсий тарбиялаш лойиҳаси якунларига бағишланган анжуман ўтказди.

Анжуманда турли ижтимоий қатламларга мансуб 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган 3600 нафар ўсмир ўртасида ахлоқий-жинсий тарбия ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўтказилган сўров натижалари муҳокама этилди.

Шунингдек, йиғилишда ёшларни ахлоқий-жинсий тарбиялаш бўйича қўллан-

ма тақдироти бўлиб ўтди. ОИТС ва гивҳандликка қарши курашда ёшларнинг иштироки, репродуктив саломатлик масалаларида катталар ва ёшларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.



СУРАТДА: Ғазалкентдаги «Конмит» корхонаси жамоаси янги йил арафасида истеъмолчиларга қўлаб турли хил мева, савзавот консервлари етказиб берапти. Корхона оператори Салима Аҳмедова тайёрланган маҳсулотларни буюртмачиларга жўнатиш олдидан текширмоқда.

Даврон АҲМЕДОВ олган сурат.

Фахрланишга арзийдиган ишлар

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган "Трансформатор" очик турдаги акционерлик жамияти ҳақида гап кетганда, энг оғавло, ушбу корхонада оддий одамларнинг манфаати ва истақларига бўлган эътибор баландлигини таъкидлаш жоиз. Ҳўжалик дўконига келган одам нимага кўз ташламасин — арвақчалар, сув иситкичлар, электрносаслар, бошқа уй-рўзгор буюмлари — аксарияти "Трансформатор"да ишлаб чиқарилган.

Шундай бўлса-да, нафақат республикамизда, балки МДХ ҳудудидида танилган аъёналар ва жуда мураккаб ашёлар чирчиқликлар фахри саналади. Темирйўлчилар, метрополитен ходимлари, электриклар уларсиз ишлай олмайдилар. Акционерлик жамияти қўла-қўла ишлай олмади ва куруқ трансформаторлар, турли қувватлардаги жамланма кичик станциялар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда етакчи корхонадир. Барча маҳсулот ишда сертификатлари билан муҳофазаланган ҳамда Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи марказларида муваффақиятли синовдан ўтган.

Корхона ўзининг рўйхатга олинган, Ўздавстандарт тизими бўйича аттестация қилинган тажриба марказига эга. 1999 йилдан бошлаб бу ерда ISO 9001-94 халқаро стандартларига мувофиқ сифат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича мақсадли ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда Чирчиқдаги "Трансформатор" очик турдаги акционерлик жамияти тажрибали, юқори малакали муҳандислар, ишчилар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари, конструкторлик ва технологик бўлимларга эга. Улар ҳар қандай ишни урдаётганга қодир. Стандарт ускуналар, бўтловчи қисмлар ва жамланмалардан ташқари улар алоҳида буюртмалар бўйича маҳсулот тайёрлашни ҳам ўзлаштиришди. Харидоригр техника жохон стандартларига жавоб беради ҳамда ҳар қандай иқлим ва сейсмик шароитда ишлайди.

(ЎЗА).

Тошкент туманидаги Мақсудали Маъмуров номли чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалигидан ёзилган «Баҳона эмас, имконият қидириш» сарлавҳали танқидий мақолага тахририят икки хил мазмундаги икки жавоб хати олди.

Юқорида қайд этилган мақолада бир вақтлари илғор бўлган, 600-700 бошдан ортик қорамол боқилган, говмишларнинг ҳар биридан 2,5-3 минг литрдан ошириб сут соғиб олинган, бузоқчиликда ҳам қатта тажриба орттирилган бу ферма шу ерда ишлаб келган тажрибали чорвадор Исмоил Исроилов раҳбарлигида аввал ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, кейинчалик эса хусусийлаштирилиб олингандан сўнг вужудга келган аянчилик аҳвол қаламга олинган. Ферма хусусийлашган, маҳсулдорлигини орттириб, сигирлар бош сонини кўпайтириш унинг бора-бора инқирозга эки тутиди. Бунинг устига бир вақтлари халқнинг пешона тери эвазига қўрилган қўлгина бинолар нураб, тўқилиб бўлди. Лекин таъмирлаш ишлари пайсалга солинди. Шу билан бирга мақолада ферма раҳбари қачон қарама-қарши имконият қидириш унинг турли баҳоналарини рўқча қилиши ҳам айтиб ўтилган.

Одатда аксарият ҳолларда газетада чоп этилган танқидий мақолага зудлик билан жавоб юборадилар. Афсуски, бу мақолага анча вақт ўтганидан кейин жавоб хати келди. Уни синчиклаб ўқиб чиқдик. Тахририятга юборилган бошқа жавоблардан фарқли ўлароқ унда «Журналист пухта текширмасдан туриб, мақола ёзган», «фактлар қисман тасдиқланди» сингари даъволар айтилган. Очиги бундан бироз хурсанд ҳам бўлдик. Фўқароларимиз ҳам ўз ҳақ-хўқуқларини таний бошладилар. Лекин қисман тасдиқланмаган фактлар нималардан иборат? Пухта текширилмаган, деб айтишларига қандай асос бор. Жавобни қайта-қайта ўқиб, бу саволларга жўяли жавоб топилмади. Боз устига бошқа даъволар ҳам кишини ўйлантирди.

Гап шундаки, жавобда фермадаги «ишлар»нинг бир маромда кетмаганлигига сабаб қилиб, ўзларини мулкдор деб ҳис эга олмаганликларни, ширкат ҳўжалигининг кўрсатмаси билан ишлашга мажбур бўлганликларини айтишган. Бу даъволарни қандай тушуниш керак. Ниҳоят, вилоят судида ишнинг қўрилганидан кейингина ишқимиз сал юришди, шахсий хусусий мулкка эга эканлигимизни ҳис қила бошладик деб, тан олишди. Яна бир нарсга бизни ажаблантирди. Қорамоллар бош сонининг ка-

майиб кетишига ҳўжалик раҳбарлари айбдор эмиш. 1994-1999 йиллар давомида Собир Раҳимов номли ҳўжалик раҳбарлари талаби билан икки эхтиёжлар учун қўлаб моллар сўйиб юборилган, бунинг устига анча арзон сотилган эмиш. Ширкат ҳўжалиги ердан фойдаланганлиги учун фермер ҳўжалигидан ижара ҳақини олдиндан беришнинг талаб қилибди, бўлмаса ер берилмайдилар, дейишди. Ҳисоб раҳамларидан пул йўқлиги туфайли ижара ҳақини тўлаш мақсадида 70 бош қорамолни сотишга мажбур бўлишди.

Аслида бу даъволар ҳам кишини ниҳоят-

ФЕРМА?
ЭГАСИНИ
ТОПДИМИКАН

да ўйлантиради. «Кейинчалик аниқлашимизча, деб айтишган жавобда, ширкат ҳўжалиги биздан ижара учун қонунсиз равишда икки ҳисса кўп маблағ олган».

Энди ҳақли савол туғилади. Ҳамма айбни ҳўжаликка тўнкаш тўрими? Ўларингизнинг мустақиллигиниз, шахсий фикр-мулоҳазаларингиз қани? Ҳўжалик нима деса, кўп деб қўниқиб кетавериш фермер ҳўжалиги раҳбарларининг ўқувсизлиги, қонунни яхши билмасликларидан дарак берадими. Радиодларда, ойнаижаҳонда, матбуотда «Биз демократик, ҳўқуқий давлат қураямиз» деган гаплар қайта-қайта такрорланяпти. Бу бизнинг давлатда қонун устуворлик қилиши керак, дегани эмасми? Агар жавоб хатини ёзганлар бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб қурганларидан «Биздан қонунсиз равишда икки ҳисса пул ундириб олишди» деб «кўз ёш» қилмаган, аксинча ўз ҳақ ҳўқуқларини талаб қилган бўлардилар.

Ҳуллас, жавоб улда-жўлда эди. Биз унга аниқлик киритиш мақсадида яна ҳўжаликка бордик. Хусусий фермер фаолият кўрсата

Мавзуга қайтиб

бошлаган кундан то бугунгача қилинган ишларни йилма-йил, ойма-ой қўриб чиқишга, эришилган натижаларни ҳар жиҳатдан иқтисодий асослаб, пухта ўрганишга ва бу билан «айбимизни» ҳам ювишга жазм этдик.

Лекин, афсуски, Исмоил ақани ўчратмадик. Бизга у кишининг бироз тоби қочиб қолганини, бунинг устига жаррохлик муолажасини бошдан кечирганини айтишди. Нима ҳам деймиз, иссиқ жонимиз. Бундай пайтда мудирин безовта қилиш инсофдан бўлмайдилар. Тезроқ соғайиб, ҳеч нарсга қўрмадан бўлиб кетишларини талаб, фермадан қайтик. Масала ўз-ўзидан вақтинчалик очик қолди.

Орадан бир оз фурсат ўтиб, қутилимаган да Маъмуров ҳўжалигидан ўша одамлар қўл қўйган иккинчи жавоб хатини олдик. Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, бу жавоб олдинги хатнинг бутунлай тескариси эди. Унда қисқа ва лўнда қилиб, «Мақолада қайд қилинган фактлар тўғри, лекин бу билан биз ўзимизни овутомаслигимиз, хусусий ферма ривож учун бир жон, бир тан бўлиб ишлашимиз, энг муҳими Собир Раҳимов ширкат ҳўжалиги билан ақиндан алоқада бўлиб, меҳнат қилишимиз лозим» ва ҳоказо гаплар ёзилган эди.

Бу қанақаси бўлди? Бу ерда қандай сирсиноат бор? Нега жавоб ёзувчилар олдинги фактларидан қайтиб, бирдангина ўз мулоҳазаларини ўзгартириб қилишди? Яна фермага йўл олди. Ҳўқимликка қирдик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида бўлдик, мутасаддилар билан учрашдик. Бизга фермани четдан бошқа бир одам нақд пулга сотиб олганини айтишди. Лекин гап бунда эмас, албатта. Энг муҳими ким олган бўлса ҳам, фермани тикласа, олдинги дов-

руғига озми-кўпми эришса, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириб, эл-юртга кўпроқ наф келтирса бўлгани.

Мен аввалги жавобга имзо чекканлардан бири бўлган Қувватов билан суҳбатлашдим. У нимага келганлигимизни дарров фахмлар:

— Жавобни ўқиб, ҳайрон бўлгандирсизда, — деди.

— Исмоил ака фермада ҳозир ишламайдилар. Уларнинг имзоларини уйларига бориб, қўйдириб келдингларми?

— Ҳа, шундай, — деди Қувватов, — Исмоил ака ур сўраб юбордилар. Мана шу кейинги жавобни ҳақиқий жавоб деб, ҳисоблар экансизлар!

Шундан сўнг мен ферманинг янги раҳбари Кабир Мақсудов билан суҳбатга киришдим. Унга деҳқончиликка, чорвачиликка оид бир неча саволлар бердим. Маълумоти, ихтисослиги билан қизиқдим.

Лекин у, менинг саволларимга ҳушламийна жавоб бермоқда эди.

— Сиз кимсиз, — деди у. — Негга мени тергов қилаясиз? Бунга ҳаққингиз борми ўзи?

Мен унга Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9- «Журналист текшируви» моддасига биноан биз матбуотчилар қаерда бўлмайлик, иш юзасидан савол-жавоб қилишга, сурштиришга ҳаққимиз борлигини айтдим.

Лекин, очиги у киши билан бўлган суҳбатимиз, фермадаги аҳволни таҳлил этиб, менда илик бир таассурот қолдирмади. Ўзингиз ўйлаб мушоҳада қилинг. Бир вақтлари доврўг таратган ферманинг қўлдан қўлга ўтиб, адоий-тамом бўлгани, халқнинг мулки бўлган иморатлар тўқилиб-сочилиб қолгани — кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Фермани тиклаш ва ишни чинакамга йўлга қўйиш учун биргина режа, ниятнинг ўзи қифоя қилмайди. Бунинг учун катта кўч, меҳнат, энг муҳими чорвачиликка оид бой тажриба, изланиш талаб этилади. Кабир ака бу ишнинг урдаидан чиқа олганимиз, бошқача қилиб айтганидан бўлса, ферма ўз эгасини топдимикан.

Бунни келахак кўрсатади.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун ҳаракат қилар экан, Ҳуқуқролик жамияти барпо этишда эркин шахсни шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири деб билади. Шу давлатда яшовчи Ҳуқуқроликлар ўзларининг барча ҳуқуқларидан тенг ва ҳар томонлама фойдаланишлари лозим.

Конституциянинг моддалари келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқий, миллий тааллуқлиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий маквеи, ашаш жойи, республика ҳудудида яшаётган даврининг муддатидан қатъий назар барча Ҳуқуқроликнинг тенг ҳуқуқларини таъминлади.

Таълим олиш ҳуқуқи шахсларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, давлат БМТ ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари, пактлар, конвенциялар ва бошқа халқаро демократик тамойилларга асосланиб, берилган ҳуқуқни амалга оширишнинг фаолият кўрсатаётган механизмини яратди.

Халқаро ҳуқуқ меъёрлари бошланғич таълимни мажбурий ва бепул қилишни, ўрта таълимни унинг барча турларида умум эришадиган қилишни ва ундан ҳамманинг фойдаланишини таъминлашни, олий таълимни тўла тенглик асосида ва ҳар бир кишининг қобилиятидан келиб чиқиб барча эриша оладиган қилишни, қонунда белгиланган ўқимнинг мажбурийлигини таъминлашни тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзи олган мажбуриятларга амал қилиб, ўзқисди таълимнинг барқарор тизимини яратди, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш мажмуини мустақамлаб қўйди.

Таълимнинг ягона тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мактабда таълим;
- умумий ўрта маълумот;
- ўрта махсус касбий таълим;
- олий маълумот;
- олий ўқув юртини битиргандан кейинги таълим.

йинги таълим— малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;

— мактабдан ташқари маълумот. Таълим шакли ва босқичларининг кўп хиллиги шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда унинг таълим олиш ҳуқуқини илҳом борица тўлароқ амалга ошириш имконини беради.

Кадрлар тайёрлашнинг устувор соҳаси таълим жараёнининг ворисийлик ва кўп босқичларига асосланган узлуксиз таълимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосий мақсад қилиб қўйилганидек, Ҳуқуқролик жамияти ҳар томонлама ривожланган шахслардан ташкил топиши керак. Давлат фаолияти ҳар бир шахс қобилиятини ривожлантириш ва уни жамият фаровонлигини юксалтиришга жалб этишга қаратилган.

Давлат фақат таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратишга қолмай, мамлакатдаги мактаб ишларини назорат ҳам қилиб туради. Таълим соҳасида давлат стандарти тасдиқланган, мактаблар ва бошқа ўқув юрларини битирувчиларнинг билим даражасига мос келадиган муайян ўлчовлар мавжуд.

Давлат кейинги пайтда анча кенг тармоққа эга бўлган нодавлат ўқув юрлариди таълим жараёнини ҳам назорат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасида диний муассасалар мактаб ишларидан ажратилган.

Таълим ҳуқуқини таъминлаш механизмида иқтидорли ўқувчилар ва талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, уларни ижодий таълим фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чоралар муҳим ўрин тутати. Бунинг учун турли жамғармалар, болалар ижод уйлари, стипендиялар ва бошқа ижтимоий ҳимоялар таъсис қилинган.

Дилноза ҚЎЗИЕВА,
ТДЮИ «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» кафедраси ўқитувчиси.

Журналхонлар билан учрашув

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорлигида "Шарқ юлдузи" журнали ташкил этилганининг 70 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов йиғилишни очар экан, ушбу наشر ўтган давр мобайнида халқимиз маънавий тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшганларни алоҳида қайд этди.

Мақсуд журнали ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин тутати. У адабиётимиз намоёнадалари ва ёш адиблар учун ижод мактаби вазифасини ўтаб келмоқда. Халқимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"идан тортиб то бугунгача яратилаётган бадий ижод намуналаридан

ушбу журнал орқали баҳраманд бўлаётди. Мустақиллик йилларида "Шарқ юлдузи"да чоп этилаётган асарларнинг мавзулар камрови янада кенгайди, у озодлик сурури билан сугорилган, янгича қарашлар акс этган овозлар минбарига айланди. Миллий мафқурамиз, бебаҳо маънавий бойлигимизни халқимиз шуурига етказиш мақсадида меҳнат қилаётган журналининг бугунги ижодий жамоаси изланишлари ҳам эътиборга сазовордир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

2002 йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги кекса авлодга ғамхўрликнинг янги бир намунаси бўлди. Бу умумхалқ ҳурмат-эътибори давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг амалий ишларида намоён бўлаётди. Чунончи, Қизил Ярим ой жамиятининг Қибрай туман бўлими ходимлари якка-ёғиз ва касалманд қариялар ҳолидан вақтида хабар олиб, кундалик турмушда, саломатлиқни тиклашда уларга ёрдам кўрсатиб туришипти. Уларнинг меҳр-оқибати, тинимсиз эътибори, беминнат хизматлари меҳнат ва уруш ногиронлари, якка-ёғиз отахон ва онахонлар қалбида чексиз миннатдорчилик туйғуларини уйғотмоқда.

СУРАТДА: жамиятнинг меҳр-шафқат ҳамшираси Дилобар Ҳамидова кекса онахон саломатлигини текшириб қўймоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КОЛЛЕЖЛАР УЧУН МУҲАНДИС-ЎҚИТУВЧИЛАР

Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжумани муҳандис-ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари ва истиқболлари масалаларига бағишланди.

Тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда олий ўқув юрлари проректорлари, республика коллежлари директорлари, Тошкент Давлат техника университети олимлари, мутахассислари, профессор ва ўқитувчилари иштирок этдилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, Ўзбекистонда янги турдаги ўқув муассасалари - касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилган бўлиб, улар халқаро андозаларга мос келувчи энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Аммо, улар учун етарлича муҳандис-ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммолари ханузгача долзарб бўлиб қолаётгани, бундай муҳандис-ўқитувчилар фақатгина махсус билимларга эга бўлибгина қолмай, балки илгор педагогик технологияларни қўллаб билиши, ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий ҳаётдан тарбиялаш қўникмаларига эга бўлиши кераклиги ҳақида сўз борди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ёвуз ва даҳшатли кучлардан бири террорчилик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Одамзот бошида мўдҳиш боло бўлиб турган бу иллатнинг энг ёмон томони шундаки, у замонга, тараққиётга мослашиб, ўзининг кураш тактикасини жуда тез ўзгартирмоқда. Бундай пайтда хавф-хатарни пайқамаслик оқил кишиларнинг иши эмас, албатта. 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳшиёна террорчилик ҳаракатларидан сўнг ушбу хавфнинг манфур қиёфаси янада яққол намоён бўлди.

Президентимиз террорчилик балосининг олдини олиш борасида турли нуфузли минбарлардан туриб, дунё жамоатчилигини, тараққийпарвар кучларни огоҳ этган эди. Кейинги йилларда халқаро террорчилик ва диний экстремизм ўчоғига айланиб қолган бизга чегарадош Афғонистон ҳудудидан бош кўтарган хатар тинч ҳаётимизга, Ватанимиз мустақиллигига таҳдид солиб келди. Оғир ва мураккаб синовларни бошдан кечирдик. Шу боис мамлакатимиз террорчиликка қарши халқаро коалициянинг Афғонистондаги экстремизм ўчоқларини йўқ қилиш борасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда. Президентимиз шу йил 5 октябрь куни оммавий ахборот восита-

лари учун берган Баёнотида Ўзбекистоннинг бу борадаги муносабатини аниқ баён қилиб берди. У кишининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда эса, бугунги мураккаб вазиятда юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, Афғо-

буғунги дунёнинг энг долзарб масалалари бўйича халқимизнинг жаҳон жамоатчилиги билан ҳамжиҳат эканлигидан далолат.

Бу ҳам оғоҳликнинг ўзига хос натижасидир. Зеро, огоҳ бўлган ҳеч қачон ғафлатда қолмайди.

Бугунги кунда мана шу

ҳақиқатни ҳар бир юртодошимиз ўзи учун ҳаёт мезонини қилиб олиши зарур.

Чегараларда туну кун мижжа қокмай сарҳадларимиз дахлсизлигини асраб-авайлайдиган аскар ўғлонларимиз эл-юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун қанчалик

ҳақиқатни ҳар бир юртодошимиз ўзи учун ҳаёт мезонини қилиб олиши зарур.

Чегараларда туну кун мижжа қокмай сарҳадларимиз дахлсизлигини асраб-авайлайдиган аскар ўғлонларимиз эл-юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун қанчалик

ҳақиқатни ҳар бир юртодошимиз ўзи учун ҳаёт мезонини қилиб олиши зарур.

Чегараларда туну кун мижжа қокмай сарҳадларимиз дахлсизлигини асраб-авайлайдиган аскар ўғлонларимиз эл-юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун қанчалик

ҳақиқатни ҳар бир юртодошимиз ўзи учун ҳаёт мезонини қилиб олиши зарур.

Чегараларда туну кун мижжа қокмай сарҳадларимиз дахлсизлигини асраб-авайлайдиган аскар ўғлонларимиз эл-юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун қанчалик

Муносабат

деган нақлини ишлатиш мумкин.

Бутун маърифатли дунё бирлашиб, умумий офатга қарши курашаётган бугунги кунда атрофимизга сергак назар ташлаб, хушёр ва огоҳ яшасак, террорчилик иллатига қарши қўшган ҳиссамиз шу. Бугунги вазият биздан шуни талаб қилмоқда. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатидаги «Шу азиз Ватан барчамизники, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ўрнатиш йўлида фидокорона меҳнат қилиш, курашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир» деган сўзлар ҳар биримиз учун доимий дастуриламал бўлиб қолади. Президентимизнинг сессиядаги нутқи ва бошқа чиқишларида илгари сурилган муҳим фикрлар бизни шунга даъват этмоқда. Бунга ҳар биримиз ёдда тутшимиз ва унга риоя қилиб яшашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

ИСОИЛ СОИФНАЗОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ҳали ҳамма ҳам тўри тушунаётгани йўқ. Баъзан кўча-қуйда, бозор-учарда «Уруш Афғонистонда бўлаётган бўлса, террорчи-ларни Американинг шаҳарларини портлатган бўлса, бизга нима?» каби қалта-бинларча фикрлайдиган одамларни ҳам учратиш мумкин. Бундай фикрловчиларда Ватан, ватанпарварлик ҳисси йўқ. Уларга нисбатан халқимизнинг «Дарди йўқ — кесакдир...»

тарбия ишларини олиб боришда янги услуб ва воситалардан, жумладан, ранг-баранг бадий-тасвирий усуллардан кенг фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА.

ЎЗА.

Аждодлар жасорати - ёшларга ибрат

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари қунига бағишланган оммавий-ватанпарварлик ойлиги қизгин давом этмоқда.

14 январгача давом этадиган мақсуд дастур доирасида йиғилишлар, давра суҳбатлари, учра-

шувлар ташкил этилаётди. Республика Маънавият ва маърифат марказида Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги билан ҳамкорликда "Аждодлар жасорати - ёшларга ибрат" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда олий ўқув юрларининг маънавият ва

ҳамда Бўстонлик каналининг 9-дўкери таймирланиб, каналнинг 300 метр узунлиқдаги ўзани бектонлаштирилди.

Бирок, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги томонидан белгиланган кузги-қишки тадбирлар барча туман ва ҳўжалиқларда ҳам қўнгилдагидек бажариляпти деб, бўлмайдди. Чунончи, 585 километр узунликдаги ҳўжалиқларро каналларни тозалаш режалаштирилгани ҳолда, ҳозиргача бор-йўри 267 километри тозаланди, холос. Бу жами ишнинг ярми ҳам эмас. Гидротехник иншоотлардан 133 таси таъмирланиб, 3932 куб метр ер

мавсумида бундай сусткашлик, ўзибуларчилик тақрорланаверади.

Масалан, бу йилги мавсумда жами 910 километр узунлиқдаги ички ариқларни механизмлар ёрдамида тозалаб, тартибга келтириш режалаштирилган. Амалда эса 348 километри, ёки 38 фоизи тозаланган. Бунинг учун кўпроқ Бўстонлик, Бекобод ва Уртачирчик туманларини айблаш ўринли бўлади. Чўнки, ҳўжалиқлардаги ички ариқ-зовурларни тартибга келтириш режаси Бўстонликда 24, Бекобод ва Уртачирчик туманларида 30 фоиз бажарилди.

Тошкент туманида ҳўжалик

ҚИШДА ЭРИНГАН ЁЗДА СУВГА ЁЛЧИМАЙДИ

ҳамда 445 куб метр бетон ишлари бажарилди. Бу рақамлар салмоқли қўрсангача, режаланган ишнинг 48 фоизига ҳам етмайди. Ҳўжалиқларро зовурларни тозалаш бундан ачинарли аҳволда. 450 километр узунлиқдаги шундай зовурларнинг эҳтидаи 137 километри тозаланган. Бу ҳам 30 фоизга бормайди. Бекобод, Оққўрган, Охангарон туманлари эса бугунги кўнчага ҳўжалиқларро зовурларнинг атиги 9-10 фоизинигина тозалаб, вилоятни орқага тортмоқдалар.

Бутун сўғориш мавсуми давомида захиралардаги сув асосан ички ариқ-зовурларда кўпроқ исроф бўлиши, яъни керак бўлган бўлмаган жойларда беҳуда оқиб, ҳамма ёққа тошиб, қўллаб ётишини раҳбар ва мутахассислар яхши билишади. Айнан ички сўғориш шабоҳчалари тозаланмаганилиги сабабли шундай нохуш аҳвол юз бериши ҳам уларга маълум. Бирок раҳбарларнинг эътиборсизлиги, ишчи тўғри ташкил қила олмадликлари оқибатида ҳар йили куз-қиш-баҳор

издан ошмаётгани раҳбар ва мутахассисларни наҳоти, ташвишга солимаётган бўлса? Туманда айни қўлай кўнларда ички ариқларни қўлда тозалаш учун қўнига 1600 киши қатнашиши керак бўлгани ҳолда амалда 850 кишидан ошмаяпти. Масалан, тумандаги «Навбахор», «Бекобод», «Янги ҳаёт» каби ҳўжалиқларда бу муҳим ишга умуман одам жалб этилмапти.

Бекободда кузги-қишки даврда 250 километр ички зовурларни тозалаш режалаштирилган эди. Аммо бу иш ҳам ёлчимайди. «Ўзбекистон», Улўбек номили ва Мавлонов номили ҳўжалиқлар раҳбарлари нима қилишаётганини эса тушуни бўлмайди. Чўнки, бу ерда ички зовурларни тозалашга ханузгача киришилмаган.

Бука туманидаги 22та ҳўжалиқда ички зовурларни тозалашда атиги 4та экскаватор ишляпти. «Дўстлик», «Таркент», «Туркистон», Т. Ражабов номили, Улўбек номили ҳўжалиқларда эса аҳвол янада ачинарли— ички зовурлар бир неча йиллардан бери тозаланмай етибди. Сабаби— экскаватор солиш учун маблағ йўқ эмиш.

Тошкент туманидаги М.Фозиллов номили, Ф. Умаров номили ҳўжалиқларда ҳам аҳвол шундай. Қўйичирчик туманидаги «Юлдуз», «Дўстлик», Охангарон туманидаги «Ўзбекистон», «Янги ҳаёт» ҳўжалиқларида зовурларни тозалаш пайсалга солиняпти.

Хуллас, бир қатор туман ва ҳўжалиқларда имконият излаш, кузги-қишки тадбирларни жадаллаштириш йўлларини топиш ўрнига баҳонаю сабабларни рўкан қилишдан нариа ўтлмаляпти. Айрим раҳбар ва мутахассисларнинг бу тахлит эринчоқлиги наватбатдаги сўғориш мавсуми келганда ортиқча муаммоларни юзага чиқариши шубҳасиз. Шундай экан, вақт ганиматлигида ўзибуларчилик ва сусткашликка барҳам бериб, мавжуд барча куч ва имкониятларни ишга солиш чораларини кўрмоқ зарур.

Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Кичик корхона ҳар йили юзта автогазпаркув воситасини газда ишлашга ўтказиш қувватига эга.

Ўз мухбиримиз.

«ЧАШМА» ТАШАББУСИ БИЛАН

Қибрай туманидаги 3-ўрта мактаб қошида ташкил этилган «Чашма» экологик клуби ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Экологик экспертиза тўғрисидаги Қонуни амалда» деб номланган семинар ўтказилди.

«ICAR» халқаро ташкилоти ёрдамида ўтказилган бу тадбирда туман мактабларидаги экологик таълимнинг ноанъанавий услублари ҳамда янги дастурлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Шоюсуф МИРОСУФЗОДА.

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Ҳозирги кунда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан республикада содир бўлиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген тавсифдаги фавқуллода ҳодисаларнинг олдини олиш, унинг оқибатларидан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича бирмунча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлик ва унинг жойлардаги бошқармалари ва бўлинмалари фавқуллода вазият юз берганда, унинг таъсир доирасидан аҳолини, моддий ва маданий бойлиқларни энг қисқа вақт ичида хавфсиз жойларга олиб чиқиш ҳамда фавқуллода вазиятнинг оқибатларини тезда туғатиш бўйича зарур техника ҳамда бошқа воситаларга эга.

Шу кўнчага вазирлик ходимлари, хизматчилари томонидан рўй бериш эҳтимоли бўлган хавф - хатарни ўз вақтида бартараф этиш, табиий ва техноген офатлар тўғрйли қўриладиган зарар миқдорини камайтириш борасида шаҳар-туманларда жойлашган бир қатор халқ ҳўжалиги иншоотларида амалий машқлар ўтказилмоқда.

Айтайлик, фавқуллода ҳолатлар юз берганида аҳоли қандай хатти-ҳаракатлар қилиши, нималарни билиши кераклиги муҳим омилардан ҳисобланади. Бунга Ҳуқуқроликнинг турли табақасини яхши тўғридан, ўқув хоналарида тайёрлаш орқали эришиш мумкин.

Шу боис маҳаллаларда, мактабларда тарғи-

ТАЪЛИМ ВА МАТБУОТ

Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси ҳамда "Маърифат" газетаси тахририяти ҳамкорлигида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда матбуотнинг ўрни" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Ахлиддинов, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси С.Қодиоров, ЎЗА Бош директорининг ўринбосари С. Ҳакимов, "Маърифат" газетаси бош муҳаррири Х. Саидов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз мустақилликка эришган таълим устувор соҳалардан бири, деб эълон қилинганини таъкидлашди.

Ҳозирги даврда жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида таълимнинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораётди. Бу борадаги ишларда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури беқиёс қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЁНИЛГИ ПУЛИ ТЕЖАЛАДИ

Бекобод автокорхонаси қошида «Автогаз» деб аталадиган кичик корхона ишга тушди.

У автогазпаркув воситаларини газ асосида ишлашга ўтказишга иктисослашган. Суюлтирилган «зангори олов» ёнилгиси бензинга нисбатан бир неча баробар арзонлиги боис у билан ишлаш қўлайроқ.

Кичик корхона ҳар йили юзта автогазпаркув воситасини газда ишлашга ўтказиш қувватига эга.

Ўз мухбиримиз.

«ЧАШМА» ТАШАББУСИ БИЛАН

Қибрай туманидаги 3-ўрта мактаб қошида ташкил этилган «Чашма» экологик клуби ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг Экологик экспертиза тўғрисидаги Қонуни амалда» деб номланган семинар ўтказилди.

«ICAR» халқаро ташкилоти ёрдамида ўтказилган бу тадбирда туман мактабларидаги экологик таълимнинг ноанъанавий услублари ҳамда янги дастурлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Шоюсуф МИРОСУФЗОДА.

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Ҳозирги кунда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан республикада содир бўлиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген тавсифдаги фавқуллода ҳодисаларнинг олдини олиш, унинг оқибатларидан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича бирмунча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлик ва унинг жойлардаги бошқармалари ва бўлинмалари фавқуллода вазият юз берганда, унинг таъсир доирасидан аҳолини, моддий ва маданий бойлиқларни энг қисқа вақт ичида хавфсиз жойларга олиб чиқиш ҳамда фавқуллода вазиятнинг оқибатларини тезда туғатиш бўйича зарур техника ҳамда бошқа воситаларга эга.

Шу кўнчага вазирлик ходимлари, хизматчилари томонидан рўй бериш эҳтимоли бўлган хавф - хатарни ўз вақтида бартараф этиш, табиий ва техноген офатлар тўғрйли қўриладиган зарар миқдорини камайтириш борасида шаҳар-туманларда жойлашган бир қатор халқ ҳўжалиги иншоотларида амалий машқлар ўтказилмоқда.

Айтайлик, фавқуллода ҳолатлар юз берганида аҳоли қандай хатти-ҳаракатлар қилиши, нималарни билиши кераклиги муҳим омилардан ҳисобланади. Бунга Ҳуқуқроликнинг турли табақасини яхши тўғридан, ўқув хоналарида тайёрлаш орқали эришиш мумкин.

</

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---